



АРАБ ТИЛИДА ИШТИҚОҚНИНГ ИЧКИ ТУР ВА ГУРУҲЛАРИ АСОСИДА ЯНГИ СЎЗЛАРНИНГ ЯСАЛИШИ

МАҲМУДОВА ДИЁРА

Таянч докторант, ТДШИ

Аннотация. Мақолада ҳозирги араб тилида “иштиқоқ” усулида янги сўзларнинг ясалишининг ўзига хос айрим хусусиятлари ёритилиб, мазкур ҳодиса воситасида сўз ясалиш усуллари, “иштиқоқ”нинг тур ва гуруҳларига алоҳида аҳамият қаратилган.

“Иштиқоқ” араб тилидаги лексик ҳодисалардан бири саналиб, у янги сўзларнинг ясалиши ва тилнинг бойишига хизмат қилади. “Иштиқоқ” атамаси ўзак сўз ва ҳосила сўзнинг ўртасидаги шакл ҳамда маъно жиҳатдан бўлувчи алоқаларни сақлаб қолган ҳолда янги сўзнинг ясалиш жараёнини англатади. Ушбу мавзу Ибн Манзур, Ҳалил Аҳмад ал-Фараҳидий, Ибн ас-Саййид, Абдуллоҳ Амийн, Муҳаммад Ҳасан ал-Жабал каби араб тилишунос олимлари томонидан ўрганилган.

“Иштиқоқ”нинг шаклий иштиқоқ, маъновий иштиқоқ, товушли иштиқоқ ҳамда халқона иштиқоқ каби турлари, шунингдек, “ал-иштиқаақ ал-кабийр” – катта иштиқоқ, “ал-иштиқаақ ас-согийр” – кичик иштиқоқ, “ал-қалбу ал-луғавийю” – лексик метатеза ва “ан-наҳту” – икки ёки ундан ортиқ сўзлардан сўз ясаш сингари гуруҳлари мавжуд. “Иштиқоқ”нинг ҳар бир тур ва гуруҳи араб тилида янги сўзларнинг ҳосил бўлишига ўзига хос тарзда таъсир ўтказиб, улар сабаб сўз ёки шаклан, ёки маъно жиҳатдан ўзгариб боради.

Тадқиқотда “иштиқоқ” доирасида сўзларнинг қандай ўзгаришларга учраши, бу ўзгаришларнинг ташқи ва ички омиллар билан боғлиқлиги масаласи ёритилган.

Араб тилини ўрганувчиларга ушбу тилдан сабоқ беришида янги сўзларнинг ҳосил бўлишида ўзига хос жараёнлар ва тилдаги сўзларнинг шакл ва маъно жиҳатдан қандай ўзгаришларга учрашини аниқ илмий мисоллар тариқасида тушунтириш бу тилга бўлган қизиқишини ҳамда таълим самарасининг янада ошишига ёрдам беради.

Таянч сўз ва иборалар: “иштиқоқ”, “иштиқоқ”нинг тур ва гуруҳлари, муштаққотлар, ўзак, “ал-иштиқаақ ал-кабийр”, “ал-иштиқаақ ас-согийр”, “ал-қалбу ал-луғавийю” – лексик метатеза ва “ан-наҳту” – сўзларни калькалаш.

Аннотация. В данной статье даётся информация о некоторых особенностях словообразования по методу “иштикак” в современном литературном арабском языке и особенно обращается внимание на методы словообразования, виды и группы “иштикак”, а также рассуждениям известных лингвистов по “иштикак”.

“Иштикак” считается одним из лексических явлений в арабском языке, этот метод служит для образования слов и обогащения языка. “Иштикак” означает формирование нового слова с сохранением формы и смысла значения.

Каждый вид и каждая группа “иштикак” по-своему влияет на образование новых слов в арабском языке и в результате данного влияния слова изменяются либо по значению, либо по форме. В данном исследовании освещается изменение слов в рамках “иштикак” и вопрос связи этих изменений с внешними и внутренними факторами.

В преподавании арабского языка объяснение специфических процессов в образовании новых слов, изменения в их форме и значениях на основе четких научных примеров, помогает повысить интерес к этому языку и эффективность образования.

Опорные слова и выражения: “иштикак” (словообразование), виды и группы словообразования, производные слова, корень, метатеза, “аль-иштикак аль-кабийр”, “аль-иштикак ас-согийр”, лексическая метатеза, калькирование.

Abstract. This article provides information about some features of word formation according to the “ishtikak” method in modern Arabic, and especially attention is paid to the word formation methods, types



and groups of “ishtikak”, as well as the reasoning of ancient and modern Arabic linguists according to “ishtikak”.

“Ishtikak” is considered one of the lexical phenomena in the Arabic language, it serves to form words and enrich the language.

Each types and group of “ishtikak” in its own way influences the formation of new words in the Arabic language and as a result of this influence, the words change either by meaning or by form. This study highlights the change in words within the framework of “ishtikak” and the question of the connection of these changes with external and internal factors.

In teaching Arabic, the explanation of specific processes in the formation of new words and how words in a language change in terms of form and meaning with the help of clearly scientific examples helps to increase interest in this language and the effectiveness of education.

Keywords and expressions: “ishtikak”(word formation), types and groups of word formation, mushtakkats (derived words), root, “al-ishtikak al-kabiyr”, “al-ishtikak as-sogiyr”, “al-kalb al-lugaviy” – metathesis, “an-nahtu” (carving).

Кириш. Сўз яшаш деганда, тилда мавжуд бўлган лексик ва грамматик элементларни бирига қўшиш, мослаштириш орқали янги сўзларни ҳосил қилиш тушунилади. Бошқа сўзлардан уларнинг негизлари тузилишига боғлиқ бўлмаган ҳолда ҳосил қилинган сўзлар ҳосила сўзлар, деб аталади. Уч ўзакли бўлган арабча янги ҳосила сўзларнинг кўпчилик қисми кенгайтирилган асосга, тўрт ҳарфли ўзаклилари эса содда асосга эга. Сўз ясалиш муносабатлари – бу грамматик эмас, балки лексик ҳодисадир. Араб тилида сўз ясалиши “Иштиқок” деб аталади. Араб тили бу борада энг сермахсул тил бўлиб, ушбу тадқиқотимизда иштиқок ҳақида, унинг тур ва гуруҳлари, уларнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида кенгрок маълумот беришга ҳаракат қиламиз.

Мақсад ва вазифа. Мақоланинг мақсади араб тилшунослигида сўз ясалиши – иштиқокни, ушбу мавзуга араб тилшуносларининг бўлган ёндашувларини ўрганиб, таҳлил этиш ҳамда араб тилида иштиқокнинг ички тур ва гуруҳлари асосида янги сўзларнинг қандай ясалишини таҳлил этишдир. Ушбу мақсаддан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифалар белгиланди:

- Араб тилида сўз ясалиши – иштиқок мавзусини ўрганиш.
- Иштиқокнинг қандай ички турлари мавжуд эканлигини аниқлаш.
- Иштиқокнинг мавжуд тўрт гуруҳини ўрганиш ва уларни мисоллар орқали изоҳлаш.

Усуллар. Мақолада солиштирма-қиёсий, тавсифий, таснифий методлардан фойдаланилган.

Натижалар ва мулоҳазалар. Аслида иштиқок мавзусини араб олимлари хижрий I асрдан бошлаб ўрганганлар. Араб тилининг асоси бўлмиш иштиқок ҳақида Сибавайҳийнинг “Ал-Китоб”, Ал-Халилнинг “Ал-Айн”, Аъламнинг “Исмларнинг ясалиши”, Ибн Манзурнинг “Лисанул-араб”, Ибн Дурайд, Асмаъий, Ибн Жинний, Абу Али ал-Форсий каби олимларнинг асарларида маълумотлар берилган. Қадим даврларда ҳам олимлар иштиқок мавзусига турлича таъриф берганлар, аммо иштиқокқа берилган барча таърифларни умумлаштириб турувчи бир жиҳат бор – бу таърифларнинг деярли барчасида “бир сўздан ўртадаги маъно жиҳатдан боғлиқлик бўлган ҳолда янги бир сўзнинг ясалиши” замиридаги мазмун мавжуд. Мисол тариқасида юқорида номлари зикр этилган баъзи олимларнинг иштиқокқа нисбатан берган таърифларини кўриб чиқсак. Масалан, Ибн Манзур иштиқок тушунчасига қуйидагича таъриф берган¹:

¹ مصر، ص10، [Arabes tong]، ابن المنظور، لسان العرب

"اشتقاق الكلام: الأخذ فيه يميناً وشمالاً، واشتقاق الحرف من الحرف: أخذه منه"

“Сўз ясалиши: ундаги ўнг ва чап томондан ҳарфдан ҳарфнинг олинишидир”.

Олим Абдулҳамид абу Сиккиннинг таърифи куйидагича¹:

“فقد عُرف الاشتقاق بتعريفات عدة؛ منها أنه أخذُ صيغة من أخرى مع اتفاقهما معنىً ومادةً أصليةً، وهيئةً تركيباً لها؛ ليذل بالثانية على معنى الأصلية بزيادة مفيدة؛ لأجلها اختلفا حروفاً وتركيباً أو هيأةً”

“Иштиқоқ бир неча таърифлар билан маълумдир. Улардан – маъно, аслият ва таркиб тузилиши жиҳатдан ўзаро мувофиқликда бир шаклнинг бошқа бир шаклдан олинишидир; иккинчи таъриф эса ҳарфлар, таркиб ва тузилиш жиҳатдан фарқланиши сабабли аслият англатган маънонинг янада тугал мазмунни ифодалашига далолат қилади”.

Араб тилининг энг эътиборга молик хусусияти бўлган иштиқоқнинг кўплаб турлари ва гуруҳлари мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири тилдаги янги сўзларнинг ҳосил бўлиш жараёни ва хусусиятларини изоҳлайди. Иштиқоқ куйидаги тўрт турга бўлинади:

1. اشتقاق لفظي (шаклий иштиқоқ);
2. اشتقاق دلالي (маъновий иштиқоқ);
3. اشتقاق صوتي (товушли иштиқоқ);
4. اشتقاق شعبي (ҳалқона иштиқоқ).

اشتقاق لفظي – шаклий иштиқоқ, иштиқоқнинг бу турида ўртадаги шакл жиҳатдан бўлган алоқа сақланган ҳолда янги сўзларнинг ясалиши назарда тутилиб, ушбу янги ҳосил бўлган сўзлар ўзларининг асоси ҳисобланган сўз маъносига мувофиқ мазмунни касб этади. Иштиқоқ лафзийга, биз, феъл майллари ва боблари, аниқ ва мажхул даража сифатдошлар, сифатун мушаббаҳа (ўхшаш сифат), қурол-аслаҳа отлари, замон ва макон отлари, сифат даражалари, исмул-аъйн (отдан ясалган феъллар) кабиларни киритишимиз мумкин. Масалан, феълيني олсак، مشي مشيا تۇхтамасдан пиёда юрмоқ, аниқ даража сифатдош маъносини берувчи – هو ماش u юрувчи (اسم الفاعل)، مشاء (шин ҳарфи ташдидланган) кўп юрувчи (اسم) – бу одамларнинг парк томон бўлган йўлаги (اسم)، هذا ممشي الناس إلى الحديقة، (фалончи фалончидан кўра юришга қодирроқ ёки кўпроқ юради) (أفعل تفضيل)، هذه ممشاة الطفل لتلك التي يتعلم المشي بالاستناد عليها. (اسم آلة) – бу ҳайратда қолган (одамнинг) қадам ташлаши (بكسر الميم اسم هيئة).

Шунингдек, бу гуруҳга тана аъзолари номларидан ҳосил қилинган феъллар ҳам киради:

- عنته – унга кўзим билан зарар етказдим (унга кўзим тегди);
- رأسه – унинг бошига зарар етказдим ёки урдим, деган маънони англатади;
- صدرته – мен унинг қулоғига зарар етказдим;
- ذقنته – мен унинг даҳанига зарар етказдим;
- سنته – мен унинг тишларига зарар етказдим;
- شفهته – мен унинг лабига зарар етказдим;
- أنفته – мен унинг бурнига зарар етказдим;
- أذنته – мен унинг қулоғига зарар етказдим;
- عقبته – мен унинг товонига зарар етказдим;
- كبدته – мен унинг жигарига зарар етказдим;
- فأذته – мен унинг юрагига зарар етказдим;
- رأيته – мен унинг ўпкасига зарар етказдим;

¹ Al-ishtiqaq va isruhu fi numuvvil-lug'aviyyi. [Derivation and its effect on linguistic development] "اشتقاق و اثره في النمو اللغوي"، 1399, 15



جهته – унинг пешонасига зарар етказдим (урдим).

Юқорида мисол тариқасида келтирилган бу феъллар "أسماء الأعيان" – “тана аъзо феъллари” деб номланиб, улар “мен унинг кулоғи, бурни, лаби, тишлари, даҳани, кўкси, ўпкаси, юраги, қорни, жигари, орқаси, тиззаси, товонини урдим”, деган маънони ҳам беради. Бундай феъллар нафақат тана аъзолари номларидан, балки курул-аслаҳа номларидан ҳам ясалади. Мисол учун:

فأسه – уни болта билан чопди;

حبله – уни арқон билан маҳкамлади;

عقله – уни кишанлади.

Шунингдек, бу каби феъллар “бирор-бир нарсдан фойдаланиш” маъносини ҳам беради, мисол: تأبط الشيء, яъни “нарсани қўлтиғи тагига қўйди” дегани. صبع به عليه – у томонга бармоқлари билан ишора қилди, дегани. أتب الجارية – жорияни итбага кийинтирди¹.

Бир ўзак асосида ҳосил бўлган янги сўзларга қуйидагиларни ҳам мисол қилиб келтириш мумкин:

"البطن" – “қорин” сўзидан ясалган янги сўзлар:

بُطِنَ – унинг қорни оғриди;

مبطون – унинг қорни оғрияпти;

بَطِنَ – тўйганидан қорни катталашмоқ;

بطنّ – тўйганидан қорни катталашмоқ;

مبطان – ўзини овқат ейишдан тўхтата олмайдиган одам;

بطين – катта қоринли;

مبطن – кичик қоринли;

بَطْنَهُ – унинг қорнига урди.

Юқорида мисол тариқасида келтириб ўтилган сўзлар араб тилида жуда ҳам кенг тарқалган бўлиб, Доктор Абдуллоҳ Аминнинг китобида араб луғатларида изоҳ бериб ўтилган бу каби сўзларга яна қўплаб мисолларни кўриш мумкин².

اشتقاق دلالي – маъновий иштиқоқда эса шакл унчалик аҳамиятга эга бўлмайди, балки янги ҳосил бўлган сўзларнинг англатаётган маъно-мазмунини биринчи ўринда туриб, бунда бир сўздан олинган иккинчи сўз бутунлай янги маънони касб этади. Иштиқоқнинг бу турига синонимия, паронимлик, аддод каби ҳодисалар киради.

اشتقاق صوتي – товушли иштиқоқда эса оҳанг, товуш билан боғлиқ янги сўзларнинг ясалиши назарда тутилади. Масалан, бирор-бир товушнинг такрорланиши ёки унинг талаффуз этилишини ифодаловчи феъллар ҳамда отлар иштиқоқ совтийга мисол бўла олади. Мисоллар:

أف فلان، رجل أفاف

Фалончи уф тортди, кўп уф тортувчи киши³

رجل تاتاء

“Т” ҳарфини яхши талаффуз қила олмайдиган киши⁴

النثعة

Сўзлаётганда ҳарфларни “саъун” ва “аъйн” каби таллаффуз қилиш⁵

¹ Itba – yengsiz ko‘ylak.

² 124. القاهرة، س. 1956، ص. Al-ishtikak. [The derivation] "الاشتقاق"

³ 135. مصر، ص. [Arabes tong] Lisaan al-arab. ابن المنصور، "لسان العرب"

⁴ Ibid.

⁵ 123. بيروت، ص. [Specified] Ibn Sayyid. Al-muxassas. ابن السيد، "المخصص"



الجهجه

Урушда қахрамонларнинг қичқириши¹

حأحأ بالتيس أو بالكبش

Эчки ёки қўйни чақирмоқ²

العمعة

Урушда довюрак кишиларнинг овоз чиқариши³

اشتقاق شعبي – халқона иштиқоқ, иштиқоқнинг бу турида кўпинча халқ томонидан ажнабий ҳисобланган сўзлар ўзлаштирилиб, уларнинг шакли ўзгартитилиб, янги маъно-мазмун касб этган ҳолда қайтадан ҳосил бўлади⁴. Қизиғи шундаки, бундай сўзларни бутун халқ оммаси амалда қўллаб, ўша янги сўзнинг асли ўз она тилларидаги бирор-бир сўзга бориб тақалади, деб ўйлайдилар. Мисол учун, араб тилида мавжуд бўлган "لقمة القاضي" иборасини олайлик, ушбу ибора араб халқлари орасида кенг тарқалган ширинлик номи бўлиб, ўз-ўзидан нима учун у бундай ном билан аталган? деган савол юзага келади. У қозилар учун махсус тайёрлангани ёки уларга бўлган ҳурмат туфайли шундай ном олганми? Ёки бу ширинликни "القاضي" исмли киши илк бора тайёрлаганми? Жавоб эса қуйидагича: Қадимда Мисрда яшаган турклар бу ширинликни "لقمة القادين", деб атаганлар, сўзи эса турк тилида "хоним", "аёл", деган маъноларни англатади. Аёл оғзининг ниҳоятда бежирим ва кичик бўлиши гўзаллик рамзларидан саналиб, унга фақатгина шундай кичик ҳажмдаги луқманинг сиғиши мумкин бўлган. Шу сабабдан ҳам, бу ширинлик дастлаб "لقمة القادين", яъни "хоним луқмаси" деб аталган. Мисрликлар бу янги иборани илк бора эшитганларида эса талаффузини аниқ идрок этмаганлар. Шундай қилиб, ушбу ширинлик номи араб тилига мослаштирилган ҳолда ушбу тил вакиллари томонидан қўлланила бошлаган⁵.

Иштиқоқ орқали сўзлар таркиб, ҳарф, ҳаракатларни қўшиш, уларни олиб ташлаш, ўрнини ўзгартириш, мавжуд ҳарфни бошқа ҳарф билан алмаштириш ва ҳоказо йўллар билан ҳам ҳосил қилинади. Профессор Розия бин Арабийя бу жараёнга нисбатан шундай фикр билдирган:

“Иштиқоқ кабийр” Халил ибн Аҳмад ал-Фараҳидий айтиб ўтган ўрин алмаштиришларни ўз ичига олса, “иштиқоқ куббар”да эса асл ўзакнинг таркибидаги бир ҳарфдан ташқари барча ҳарфлар янги ҳосил бўлган сўзда иштирок этади, масалан,

قسم – бўлмоқ;

قصم – синдирмоқ;

قد – бўйига кесмоқ;

قط – энига кесмоқ;

السّد – тўсқинлик қилиш;

الصدّ – рад этиш;

دق – майдаламоқ;

شق – ёрмоқ.

Бу икки турдан асосий мақсад араб тилини бойитиш ҳамда кўп сонли янги сўзларни шакллантиришдир⁶.

¹ Ibid.

² 133. مصر، ص. [“Arabes tong”]. Ibn Manzour. Lisan al-arab. [لسان العرب]

³ 137. بيروت، ص. [Specified]. Ibn Sayyid. Al-muxassas. [ابن السيد، المخصص]

⁴ www.google.com

⁵ www.google.com, “Zahiratul-ishtikak ash-sha’biy”, [The phenomenon of popular derivation] ظاهرة الاشتقاق الشعبي

⁶ Ibid.



Иштиқоқ юкоридаги тўрт турдан ташқари яна қуйидаги тўрт гуруҳга бўлинади:

1. "الاشتقاق الصغير" – “Кичик иштиқоқ”;
2. "الاشتقاق الكبير" – “Катта иштиқоқ”;
3. "الاشتقاق الأكبر" – “Энг катта иштиқоқ”;
4. "النحت" – “Наҳт”, яъни калькалаш усули.

Улардан биринчиси "الاشتقاق العام" (“Умумий иштиқоқ”) деб ҳам номланадиган, кичик ва содда сўз яшаш усули "الاشتقاق الصغير" – “Кичик иштиқоқ” бўлиб, у бир сўзнинг иккинчи бир сўздан сўзларнинг шакл ва маънолари ўртасидаги алоқаларини, туб ундош ҳарфларнинг ўхшашлиги ва уларнинг жойлашиш тартибини сақлаб қолган ҳолда ўзгартириш сифатида тушунилган. Иштиқоқнинг бу турида ҳаракатлар қўйиш ёки уларни олиб ташлаш билан ҳам сўз ясашиб, бу нарса уларнинг маъносига ҳам таъсир кўрсатади. Масалан, كتب – ёзмоқ феълидан الكتاب – китоб ҳамда الكتبة – ёзма ҳужжат сўзи ҳосил бўлган бўлса, سأل – сўрамоқ феълидан المسألة – масала сўзи ҳосил бўлган.

Шунингдек, сўз таркибидаги ҳаракат ҳам унинг маъносига катта таъсир кўрсатади, мисол учун¹:

Агарда одамлар бирор кишини лаънатласалар, у одам лаънатланган رجل لعنة деб аталади, агарда у одамларни лаънатласа, رجل لعنة деб аталади, агарда одамлар уни ҳақоратласалар, у رجل سببة деб, агарда у одамларни ҳақоратласа, у ҳолда رجل سببة деб аталган. Бошқача қилиб айтганда, биргина ҳаракат орқали сўзнинг аниқ ёки мажхул даража сифатдош эканлигини ҳам билиб олиш мумкин экан.

Иккинчи тури лексик субтитутсия (яъни, биринчи товушни бошқа товуш билан алмаштириш – бу кўпроқ ўзлаштирилган сўзларда учрайди) "الاببدال اللغوي" деб аталиб, у катта сўз яшаш "الاشتقاق الكبير" – “Катта иштиқоқ” усулидан фойдаланилган ҳолда ҳосил бўлган сўзлардир. Бу ҳолда товуш шакли ва маъно жиҳатидан бир-бирига яқин жуфт сўзлар ўзаро алоқадор деб талқин этилади. Масалан: مدح – مده – “мақтамоқ”, ختل – ختر – “алдамоқ”, سرب – سرف – “оқмоқ” (сув ҳақида), “оқиб кетмоқ”, هشب – حشب – “(нарсаларни) йиғмоқ”, سفك – سفح – “қуймоқ (суюқликни)”, فلق – فلج – “ёрмоқ”, جدف – جدث – “қабр”, “гўр”. Ибн Жинний ўзининг "كتاب الإبدال" асарида мазкур назарияни фонетик жиҳатдан асослаб берган².

Иштиқоқнинг бу турига "الاببدال اللغوي" билан бирга التصاقب (бир-бирига яқинлик) ҳам киради. Бу ҳолатда сўзлар таркибидаги бир ҳарф билан бир-биридан фарқланади, маъноларида баъзан ўхшашлик кузатилади³:

نهق – маърамоқ;

نعق – қичқирмоқ;

سدل – сочни ёймоқ;

سدر – ҳижолат тортмоқ.

Учинчи тур – янада каттароқ сўз яшаш "الاشتقاق الأكبر" – “Энг катта иштиқоқ” усули орқали ҳосил бўлган сўзлар бўлиб, бошқача қилиб айтганда, лексик метатезалар القلب اللغوي, яъни бир сўзни иккинчи сўзнинг туб негизи таркибига кирувчи ундошлар ўрнининг таркибини ўзгартириш билан шарҳланади. Бунда ҳарфлар ва маъноларнинг ўхшашлиги сақлаб қолинади. Ушбу тур Ал-Ҳалилнинг "كتاب العين" луғатида алоҳида кўрсатилган. مدح – حمد – “мақтамоқ”, غرب – غرب – “кетмоқ”, أيس – يس، “умидсизланмоқ”, سكب – سبك – “қуймоқ”، بعزق –

¹Ittifak al-mabaaniy va ixtilaaf al-maa'niy. [The agreements of forms and the difference of meanings]6.ص

41 ، القاهرة،س،2006.ص. M.H.H.Al-Jabal. Zahiraatul-ishtikak. [Derivation phenomenon]. م.ح.ح.الجبيل "ظاهرة الاشتقاق" ³

“сочмоқ”, بضع - بعض - “маълум миқдор”¹. Биринчи марта Ибн Жинний ўзининг “ал-Хасоис” асарида 3 ёки 4 ундошни уларнинг жойлашиш тартибидан қатъи назар, териш орқали ҳосил қилинган сўзларнинг маъноларида умумийлик бўлиши мумкин эканлигини таъкидлаган эди. Масалан, نجد، جبر، ўзакларининг иштирокида ҳосил қилинган ҳар қандай бирикма (ҳар қандай 3 ҳарфли ўзак ҳарфларининг ўрнини 6 хил кўринишда алмаштириш имконини беради) куч-қудрат тушунчасини берса، قول нинг вариантлари эса иккита “тезкорроқ” ва “ҳаракатчанлик” маъноларини англатади ва ҳоказо. Мазкур фикрни исботлаш учун ўхшаш маънолари ажратиб кўрсатилиши мумкин бўлган тегишли ўзакка эга бўлган алоҳида сўзлардан фойдаланилган. Метатезанинг сўз ясовчилардан биттаси сифатида кўрсатилиши ҳар бир ҳарф (товуш)нинг алоҳида маънога эга эканлиги ҳақидаги маълумотига асосланади, ундошларнинг ўрнини туб ўзак доирасида алмаштириш мазкур бирликларнинг умумий маъносининг ўзгаришига олиб келмаслиги ҳақидаги қониданинг асосида ҳам шу фикр ётади. Бундан анча вақт олдин луғатшунос Ал-Ҳалил метатезадан “كتاب العين” асарида сўзларни уялаштириш учун юзаки усул сифатида фойдаланган эди².

Шу ўринда, бир нарсани айтиб ўтиш жоиз, баъзи араб тилшунослари “الاشتقاق الكبير” га тегишли хусусиятларни “الاشتقاق الأكبر” га хос деб, уни шундай номлаган бўлсалар (Ибн Жинний), Ибн Ҳожиб, Аш-Шавконий, Муҳаммад Сиддиқ Хон каби олимлар уни иштиқокнинг кичик гуруҳига киритганлар³.

Ва ниҳоят, тўртинчи “النحت” – “кесиш” тури икки ва ундан ортиқ сўзлардан янги сўз ясашдан иборат, бунда ҳар бир сўз ясовчи бирикмалардан битта ёки ундан ортиқ ҳарф “кесилади”, қолганлари эса ўзаро бирлашиб, тилда мавжуд бўлган андозаларга мувофиқ равишда вокализацияланган битта сўзни ташкил этади. Мазкур назариянинг изчил тарафдори Ибн Форис 4 ҳарфдан кўпроқ ўзакдан ҳосил қилинган сўзлар 2 та 3 ҳарфли ўзакнинг бирлашиши орқали ҳосил қилинади, деб таъкидлаган ва “مقاييس اللغة” (“Тил ўлчамлари”) асарида, унинг фикрига кўра, 2 уч ҳарфли сўзлардан ҳосил қилинган 4 ҳарфдан иборат ўзакли сўзлардан 300 тага яқинини мисол қилиб келтиради. У масалан, қуйидаги دحر – “думалатмоқ” феълини دحر – “итармоқ” ва جرى – “югурмоқ” феълларига، هرول – “шошилмоқ” феълини هرب – “қочмоқ” ва ولئى – “айлантормоқ, бурмоқ” феълларига، صهصلق – “ўтқир”, “баланд” (овоз ҳақида)ني صهل – “кучли овоз” ва صلق – “баланд овоз” сўзига қиёслайди⁴.

Араб тилшунослигида фақат туб негизлари биттадан ортиқ ўзакларнинг элементларидан ясалган сўзларгина нахт сўзлар ҳисобланади. “بسمل” – сўзи “سمى” дан، “حمدل-حمد” дан олинган уч ўзак ҳарфли исмдан ҳосил қилинган ҳосилалар ҳисобланади ва уларга морфологик деревантлар сифатида қаралади. “Нахт” бир неча сўзларнинг товуш элементларидан янги туб негиз ясаш усули сифатида, турли сўзларнинг негизларини бириктириш йўли билан янги номлар ҳосил қилиш услубидир⁵. Турли сифатлар ва мавҳум отларга инкорни англатувчи “لا” қўшиш билан арабча сўзлар ясалади. “لاشرعي” – ноқонуний، “لاإنساني” – ғайриинсоний، “لاديموقراطي” – демократияга қарши، “لانهائي” – чексиз، “لاسلكي” – симсиз، “لاشيء” – ҳеч нарса. Шунга ўхшаш чакирик، ҳайратланишни ифодаловчи “يا” юкламаси отга қўшилиши билан аглютинация усули орқали “يا نصيب” = “لانسبيب” – “лоторея” сўзи ясалган. Араб алифбосидаги биринчи ва иккинчи ҳарфларнинг қўшилишидан “алифбо” сўзи ясалган (ёки қадимги “أبجدية” сўзини таққосланг. Бунда алиф, бе, жим, дол ҳарфларидан битта сўз ясалган).


¹ القاهرة، Kitaab al-a'yn. [The ayn book].

² Qodirov T.Sh., Aliyev D.I. Arab tili leksikologiyasi [Lexicology of the Arabic language]. – T., 2010. – B. 25.

³ Ibid.

⁴ 1336 س. Makayis al-lugati. [Language metrics]. القاهرة،

⁵ Qodirov T.Sh., Aliyev D.I. Arab tili leksikologiyasi [Lexicology of the Arabic language]. – T., 2010. – B. 26.



Маълумки, الاشتقاق усули билан ҳосил бўлган сўзларда префикс, суффикс, инфекслар қўллашдан фойдаланилади. Масалан: منتوجات، منتجات، نتاج، إنتاج сўзларининг барчаси “маҳсулот” маъносида келади. Шунингдек, лексик метатеза, яъни сўзлардаги ундошларнинг ўрнини алмаштириш йўли билан ясалган сўзлар. Масалан: بعض – بضع – баъзи қисм, бўлак، شروة – харид қилиш، رشوة – порага сотилган، فاغر-فارغ – вакант, бўш ўрин، لواء – ولاية – вилоят2.

– Аллоҳ умрингни узоқ қилсин!⁴ حياك الله و بياك

حسن — яхши⁵

كثير بشير – кўп⁶

خلطة بلطة – тартибсиз⁷

Учинчидан, иштиқокнинг бир неча хил тур ва гуруҳлари мавжуд бўлиб, адабиётларда, асосан, иштиқокнинг мавжуд тўрт гуруҳига эътибор қаратилган, иштиқокнинг турлари ҳақида етарли даражада тадқиқотлар олиб борилмаган. Иштиқокнинг турларида сўзнинг умумий жиҳатдан қандай қилиб ясалиши, ўзгаришларга учраши, унинг вужудга келиш

⁷ Ibid.



сабаблари ўрганилса, унинг гуруҳларида эса сўзнинг шакл, қурилиш жиҳатдан қандай ўзгаришларга учраши бафуржа ўрганилади. Шуниси аҳамиятлики, замонавий араб тилшунослари, сўнгги йилларда, асосан иштиқоқнинг маъновий тури ҳамда у билан боғлиқ тил ҳодисаларини ўрганиб келмоқдалар, айнан ана шу жиҳатлар эса араб тилини тадқиқ қилувчи ўзбек тилшунослари томонидан етарли ўрганилмаган. Тўртинчидан, араб тилида иштиқоқ услубида вужудга келган ҳосила сўзлар муштакқотлар, деб аталиб, улар даврлар оша луғатлар орқали етиб келган анъанавий ҳосила сўзлар ҳамда илм-фан, техниканинг ривожланиб бориши натижасида вужудга келган янги сўзларни ўз ичига олади.

Шундай қилиб, араб тилида янги сўзларнинг ҳосил бўлиши ўзига хос жараён бўлиб, бундай сўзларни ўрганишда уларнинг қайси ўзак сўздан келиб чиққани ҳамда уларнинг маъно жиҳатдан қай даражада ўзгаришга учраганини ҳисобга олиш лозим.



ОСНОВНЫЕ ТИПЫ КЛАССИФИКАЦИЙ ФРАЗЕОЛОГИЧЕСКИХ ЕДИНИЦ В АРАБСКОЙ И РУССКОЙ ЛИНГВИСТИКЕ

АЛЬ-ОТАИБИ БАДЕР ТАРАХИБ

Научный исследователь, Королевство Саудовская Аравия

Аннотация. Данная статья посвящена современному уровню развития лингвистики и разностороннему сопоставительному исследованию фразеологических единиц, которые отображают межкультурный обмен родного языка и изучаемого иностранного языка при переводе различного рода литератур. В науке имеется ряд определений фразеологических единиц, однако по отдельности взятые не могут дать исчерпывающей характеристики данного явления. В статье приведены примеры из трудов по лингвистике учёных, которые в свое время пытались всесторонне изучить классификацию фразеологических единиц нескольких языков.

Опорные слова и выражения: классификация, фразеологизм, фразеологическая единица, лингвистика, семантика, перевод.

Аннотация. Мазкур мақола тилишуносликнинг замонавий ривожланиши даражасига ва турли хил адабиётларни таржима қилишда она тили ва ўрганилаётган хорижий тилнинг маданиятлараро алмашинувини акс эттирувчи фразеологик бирликларни кўп қиррали ўрганиши масалаларига бағишланган. Илм-фанда фразеологик бирликларнинг бир қанча таърифлари мавжуд, аммо алоҳида-алоҳида кўриб чиқилса, улар ушбу ҳодисанинг тўлиқ тавсифини бера олмайди. Мақолада бир вақтнинг ўзида бир нечта тилларнинг фразеологик бирликларини таснифлашга уриниб кўрган бир қатор тилишунос олимларнинг асарларидан мисоллар келтирилган.

Таянч сўз ва иборалар: таснифлаш, ибора, фразеологик бирлик, тилишунослик, семантика, таржима.

Abstract. This article is devoted to the modern level of development of linguistics and the multidimensional study of phraseology in a comparative sense, which reflect the intercultural exchange of the mother tongue and the studied foreign language when translating various kinds of literature. There are a number of definitions of phraseological units in science, however, taken separately they cannot give an exhaustive description of this phenomenon. The article gives examples from the works of several scientists who at one time tried all the outside to study the phraseology of several languages.